

Оила ва јатіят

Жесемдік

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

35

сон

28 август—
3 сентябр
2003 йил


ХАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕФАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

1 Сентябр — Ўзбекистон мустақиллиги куни

Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилған Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир.

Ислом КАРИМОВ

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



**АСЛ
БАХТИЁРЛИК**

Юртимизда байрамлар кўп. Байрамларнинг ҳар бири ҳаётимизни, қалбимизни беҳайди. Уларнинг ичидаги орзиги, шудо-хуррамлик билан кутадиган байрамимиз - Мустақиллик байрамидир. Бу байрам - Муборак байрам озодлик, эркинлик байрами. Тиллари кишланган, отилган,

борса келмас юртларга қатоғон килинган боболаримиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни ҳар гал дарслар давомида ўқувчиларимизга батағиси сўзлаб беришдан чарчамайман.

Мустақиллик ҳар бир юртдомиз сингари менинг педагогик ҳаётимга ҳам янгиликлар, ўзгаришлар олиб кирди. Ўн саккиз йиллик иш фаолиятим давомида шу касбни тандаб хато қўлимаганини тушундим. Мувафқиятларим талайгина. Туман, вилоят ва республика педагогикасига оид маърузаларим кўпигина бахусунозараларга сабаб бўлди ва дарсларларга киритилди. Ўқувчиларим эса туман ва вилоят олимпиадаларида иштирок этишиб юкори ўрлинларни эгаллаб келишмоқда. Мактабимизда "Ёш қаламашлар" тўғаргини бошқарман. Ўзим шеърлар машқ қўламан. Ўқувчиларим орасида шеър, ҳикоя ёзадиганлари борлигидан кувониб юраман, уларга ке-

ракли маслаҳатларимни бераман.

Энг қўйин дакиқаларимда ҳам ҳаётдан, турмуш ташвишларидан ношлини ёмон кўраман. Чунки отонам сабр-тоқатли, иродали бўлишини ўргатишган. Бу кунларга еттанлар бор, етмаганлар бор. Ҳар куни тонг азонда ўйонгач, тўрт мунам сомги, шу элнинг, шу одамларнинг корига ярайманми, деган ўйлар билан яшаш инсонга куч-куват, шикоат бағишлади.

Осиомонизга бокинг, кандай гўзал ва мусафиф! Юртимизда тинчлик, осойишталик. Инсон учун асл баҳтиёрлик шу эмасми?

Гулчехра ШАЙМАНОВА
Қашқадарё вилояти,
Чирокчи туманидаги
2-иختисослашган мактаб
ўқитувчиси



нат ва истеъоддлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қархамонона меҳнатлари учун А.Абдуразов — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқарни бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори, З.Мухаммаджонов — Ўзбек миллӣ академик драма театри актёри, А.Нарзуллов — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раиси, С.Сагатов — Навоий вилояти Томди туманидаги "Бирлик" ширкат хўжалиги

**ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ
КУННИНГ ЗАВҚУ — ШУКУҲИ**

Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Тошкент шаҳридаги "Халқлар дўстлиги" саройида қўшиқчилар ва мусиқи соҳасидаги иход қиласётган навқирон йигит-қизлардан ўн нафарида "Ниҳол" музикофоти топширилди.

Кўнча Самарқанд заминидаги анъанавий "Шарқ тароналари" тўртичичи халқаро мусиқа фестивали давом этагида.

Ҳар йили, энг улуг, энг азиз байрамимиз олдидан улугларимизни ёдга олиб хотирашими, фидойи юртдошларимизни меҳнатлари учун тақдирлаш ҳам зэгу анъанага айланниб қўлди.

Юртимиз тараққиётини ривожлантириш, барча иктисодидаги тармоқларидаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириб, йўлидаги фидойилиги ва ташаббускорлиги ватанинни мактабларни юксалишига, уни дунёга танилишига салмоқли хисса кўшаётган Андижон вилояти Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Улуг аҳоддоримизга хос миллий қадрятларни, ватанга муҳаббат, садоқат анъаналари билан муносиб давом этириб келаётган шунингдек, ҳаётнинг барча жабхаларидаги юксак натижаларга эришиб, тарихига ва маънавий маросимларимизни дунёга танитиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келаётган. Хоразм вилояти эса Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланди.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, обрў-этиборини янада юксалтириш ва халқимиз олдидағы улкан меҳ-

ШИНAM ВА СИФАТЛИ МЕБЕЛЛАР



мебелларини жаҳон бозорига олиб чиқишини ривожлантиришдан ибортат.

Кўргазмада офис жиҳозлари, ёткоҳона, ошхона ва турар-жой мебеллари намоиш этилди. "Файз" мазкур компаниядаги ишлаб чиқариладиган махсулотлар кўллаб нуғузли халқаро танловда диплом ва совринглар билан тақдирланди.

- Шунни таъкидлаш жоизки, "Файз" холдинг компаниясининг шинам мебеллари Марказий Осиёдаги энг сифатли махсулотлар хисобланади. Бу корхона Ўзбекистонда ме-

белоғозликни ривожлантиришга катта хисса кўшмоқда. Ишлаб чиқариладиган махсулотларни эса хорижда ҳам ўз харидорларни топмоқда. - деди кўргазмада сўзга чиқсан Германиянинг "Хомаг ГУС" фирмаси бошқарувчиси Ф.Краузе. "Файзмебелўргазмасавдо" савдо-кўргазмалар уйининг компания офиси билан ёнмаён жойлашганинги ахолига ҳам, ташкилотларга ҳам ҳар томонлама кулайдир. Компания якинда Бельгиянинг Брюссель шаҳрида бўйлаб ўтган "Евромаркет" форумида жаҳон андрозолари даражасидаги махсулотларни хамда бизнес ва маркетинг соҳасидаги мувафқиятлари учун махсус сорвир билан мукофотланниб, халқаро сифат сертификатига сазовор бўлди. Кўргазмада компаниядаги ишлаб чиқариладиган 300 дан ортиқ махсулотларни намоиш этилди. Бир-биридан шинам ва сифатли мебеллар юртдошларимиз уйларини безаб, Ўзбекистоннинг доворигуни жаҳонга таништаверади.

Ўз мухбиришим



Якинда Тошкент шаҳридаги янги "Файзмебелўргазмасавдо" савдо-кўргазма уйида "Файз" холдинг компаниясининг юртимиз мустақиллигининг 12 йиллигига багишиланган очилди.

Анжуманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosаси М.Усмонов, "Файз" холдинг компанияси бошкарувчи раиси М.Азимова, "Хомаг ГУС" фирмаси бошқарувчиси Ф.Краузелар очилди.

Мазкур кўргазмани ташкил этишдан мақсад, компанияда замонавий мебель ишлаб чиқариш, мамлакатимизга чет эл инвестицияларини жалб этишибни янада кенгайтириш ва ўзбек

мосларини қолдирган авлодларимиз меросини қадрлаймиз ва уларнинг хотираларини эъзозлаймиз. Юксак мукофотларга сазовор бўлган фидойи юртдошларимиз билан фахрланамиз ва уларни муборакбод этамиз.

Уйим тўрида онам сурати. Бу суратнинг менга келиб тегишининг алоҳида бир тарихи бор. 1944-йиллар - уруш пайтлари эди. Ҳамза театри кошида театр студияси очилиб, йигирма чоқли санъат-севар-орзуманд ёшлар катори камина ҳам шу дастага бош сүқиб кўрганлар. Театр ховлисиаги кичкинагина кулбада студиядаги дарслар туғага, дархол томоша залига ошиқамиз - у ерда айни репетиция чоғи — Аброр Хидоятов, Олим Ҳўжаев, Амин Турдиев, Шукур Бурхонов, Одид Жалилов, Ҳикмат Латипов, Сора Эшонтўраева, Шоҳиджоним Мъеззумова, Зайнаб Садриева, Ҳолида Ҳўжаева каби севимли артистларимизнинг Ўйғур оға раҳбарлигидаги репетициялари бизни-студия талабаларини жудаян қизиқтирди...

Ана шундай кунлардан бирда баланд бўйли, қотмадан келган бир артист мени ча-кириб колди:

- Ҳой, оппок қизим, сен бу ёка қарагин-а...

Курсдошларим даврасидан ахралиб, тўпланиб турган артистлар ёнига тортиниб-кимтинигида бордим.

Новча артист исимини, отамнинг исимини сўради.

- Исимм Ҳолида Ахоррова. Отам-Сайд Ахорий... - дейя жавоб қилдим.

- Ёлирай! - деди у ёқасини ушлаб. - Қиз бола ҳам отасига шунчалар ўҳшайдими-иики кундан бери бу қизимни кузатаман, афти-ангоридан ўҳшатмиди, юриш-туршиидан аниқ танидим-а. - Кейин Аброр акага ўғирилди. - Сен бу ёқка қарагин-а, Аброр. Бу қизим ўзимизн Сайд афандининг қизи экан-ку... (Отам Истанбулда ўқиган, ўқитувчи бўлган. Шундан бўлса кераки, катта-кичиг баробар Сайд афандим деб атаркан).

Бу кимса-артист Наримон оға ҳаяжоннаби, бирор сўзлатмай қўядигандек шошиб-шибиши гапира кетдилар:

- Тоф - тоф билан учрашмайди, аммо одам - одам билан

учрашади, деганлари рост экан-да. Эсингдами, Сайд Ахорий ўғил кўрганда Самарқандаги Махдум Хоразмий маҳалласидаги хонадонида меҳмон бўлганмиз. Ўлгига Кенгаш деб исм қўйганимиз... Артистлар биро олиб, биро қўйиб дадам ҳакида сўзлашиб кетишиди.

- Қизим, Ҳолидахон, сенга нега бу исмни қўйганини биласанни отагнинг?.. Туркияда Ҳолида Адид деган ёзувчи аёл бўлган. Аданг сени ўшандай адиба, оқида бўлишингни орзу килган... - дедилар. Кейин негадир шоша-пиши қўшимча килдилар. - Сен-чи, қизим, эртага... Йўқ, йўқ, индига худди шу вакт шу ерга кел. Мен сенга бир кетлириб бераман. Ойинга-Вазирахонимга мендан салом айт. Артист Шокир Нажмитдинов - отамнинг қадроп дўстлари салом дедилар, деб айт...

Келишилган куни Шокир оға: «Омнатни чин эгасига топширганимдан хурсандман», - дедилар-да, хитой қоғозга ўраб авайлаб-асраб кўйилган бир сурат бердилар менга. (Хозир ётиборингизга шу суратни ҳавола килаёт-тирман). Сурат тагида дадам-

ларнинг араб алифбосида ёзган дастхатлари: «Биродарим Шокир Нажмитдин ўғлига чин дўстлик ва биродарлик армуғоним».

- Сайд афанди деганингиз қандок одам экан-а? - деди ёш аёл артистлардан бири. - Шундай гўзлаб, ўқтам рафиқларининг суратини дўстига аргумон қилсалар... Қойил-е...

- Зўр одам бўлган Сайд афанди.

Дин. Чинакамига маданиятли инсон бўлган... - бир хўрсиниб олиб - деди Шокир Нажмитдинов. - Бундай одамлар юз юйда бир бино бўлади... - яна қўшиб кўйди у... - Шундай Ҳудо буюрса...

Онамнинг 25 ёшида тушган сурати шу-шу менда - уйим тўрида.

Хулласи калом, кўпимда онам Вазирахон сурати - қараган сайн қарайвераман, онамнинг ҳусни малоҳатига маҳлиё бўкаман - кўз ололмайман. Отам ҳали хаёт-онагинамнинг масъуд дамлари. 1925

йилда мен ҳали ҳаётга келмасимдан илгари олдирилган бу сурат кўлмуга йигирма йилдан кейин тегди. Ҳамон менда - олтиш йилдирки, уйим тўрида. Суратга тикилар-канман, дадамнинг 1923 йилда Мухаммад Сайд Ахорий имзоси билан Бухоро шахрида ўзлари чот этган «Оила қитоби»нинг «Хоним-қизларимизга тортиқ» деб номланган биринчи китобининг илк саҳифасида босилиб чиқсан «СЕН ЯША!» шеърлари ёдимга тушади.

«Севимли рафиқамга», - деган бағишлов билан бошланган шеърнинг қуйидаги сатрлари отагнамнинг онамга бўлган меҳр-оқибатини намоён этади:

Ийусуликлар, айриликлар мани бутун зэзганда...

Ўғлизликнинг наштарлари юрагимни тешганда,

Ҳаётимнинг баҳорини сен келтиридинг бирликда

Сен келган кун руҳим теран севинчлар-ла безанди.

Мехрибоним! Бу корону очунимда биргина

Сен эрурсан оппок, ёргу юзли қодузим.

Сен мен билан бўлган сайн қайғу кирмас кўнглимга,

Фидо сенга ўзувларим, шеърларим, ҳар сўзим.

Вазирахон, кул, хандалар соч маним нурсиз умримга!

Вујуд бериб, жон бағишила гўзл тилакларимга!

Тилагингча очил, яира, ўйнаб яшна, канотлан,

Булбул каби сайраб учиг, яшна маним баҳтимаг!

Аммо менинг муштипар она-гинам Вазирахонга отам тилагинча яйраб-яшнаб насиб этмади. Онамнинг эсими танигачи мен ҳавас қилган баҳтига кўз тегди. Бир кунда баҳти ҳакида бўлди.

Ҳаётда нималар бўлмайди. Баъзи воқеалар ҳакида сўзлар, эшигтган қулогингга ишонмайсан. Агар мен сўзлаб бермоқчи бўлган воқеа ўз қиёнларим - ота-онам бошидан ўтмаганда бунга мен ҳам ишонмаган бўлардим... Аммо мен ёзажак воқеалар бари бўлиб ўтган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳакиқат.

Отамдан ўти ёшидама етим қолганман. Отам ўлмаганлар. Эрта билан ишга кетганлару, шу-шу бедарак ўйқолгандар. Эсимни таниб ўқишига, ишга кирганимда - бутун ўти анкета тўлдирилганда «отам бедарак ўйқолгандар», - деб ёзуб келганман.

Ёш ётим қолганим учун отам ҳакида хеч нима билмасдим. Бошингда отаи бузрукворинг бўлмагач ҳар ким ҳар хил маслаҳат бераварер экан. Менга ҳам аввалига: «Фамилиянгни ўзгартиргина, холанг каби Раҳмонова бўлгин, отангни ўлган деб ёз», - деб маслаҳат бергувчилар бўлган. Энди билсан, улар менга яхшилини раво кўришган - тинчлигимизни

кардай эллик йил ўтиб кетди. Ўша аёлни ҳали-хануз кўраман. согайиб кетганлар, ўйлилар, келин-қўйвўлар, катор набиралар кўрганлар. Утрашиб колганимизда ҳар доим онам-

31 август - Қатагон қурбонларини ёд этиши куни

ро Шўролар Жумхурятининг Озорбайжондаги мухтор элчиси эдилар»... Мен эса бу хикояларни эртак эшитгандай тинглайман.

Эсимда: фронтда жанг килган акам Аҳмаджондан келган мактубларга термулардилар, бирор келиб ўқиб беришини кутардилар. Акам жавоб хати ёзолмай юм-юм йиглардилар. Рассом бўлиб этишган акам Аҳмаджон Ахорров 1942 йилда аскарликка олиндилар. 1942 йил июнини эсласам юрагим оркага тортади. Онаизорим нақ соз бўлиб қолдилар. Акам жўнаб кетгач, орадан бир ҳафта ўтиб ётиб қолдилар - ортиқ қадларни ҳам, бошларни ҳам кўтара олмадилар. Ўшанда онам эндиғина ўтиз этиши ёшга кирган эдилар. Ўёгини сўзлашга тилим бормайди: узундан-узун иккӣ йил мобайнида акам Ленинград областида - Волхов бўйлари ва Синавин ўрмонларида жанг килдилар. Бу ҳақда йигрига ёши акам шундай ёзадилар. «Иккӣ йилдан бери урушдаман. Ўқ ва бомбалар ёғмири остида гоҳ отиб, гоҳ маймандай бикиниб юрдим, канадек келдиган чининлар коними сўрди...» Бу ҳатларнинг барини онамганим ўқиғалар-а... Кандай бардош бердилар онам-а? Иккӣ йил давомида урушдаги ўғлини нигорон бўлиб кутиш азоби... Ҳар эслаганимда бутун вуқудимда титрок, юрагимда бўлришади келтирилди.

«Онагинамнинг хеч баҳти кунлари бўлганими?» - деб сўрайман ўзимдан, ўзим. Олтмиш йилдан бери хонадонимизда сакланиб келаётган катор суратлари эслайман, «Ҳа, оилавий ҳаётларнинг ил йиллари истиқлол учун курашган Муҳаммад Сайд Ахорий мустабид давлат тарафидан отувга хўм этилиб, 1931 йилда отиб юборилганча ўтган ўн йиллик оилавий ҳаётлари ўтганда қетидан кўч-кўрониди. Бизнинг наздимизда акамиз қаҳрамон, фашизмга қарши ҳаёт-мамот кураши олиб бораётган ботир-баҳодир...

Оҳ! Эсси, эсси, ақагинамнинг ҳазон бўлган ўшгина умри...

Бор-йўғи йигирма бирга кирил-киримасликда ҳалок бўлган ўзбек фарзанди... Онагинам ишонган бояги, сунгандаги тоғи! Бояги кунпаяқун бўлган сунгандаги тоғи - ер билан яксон бўлган кимса яшай оладими?

Онам бу фамга қидадилар - душ бердилар... Булар кўрар кўз учун - омон қолган фарзандларининг кўнглини чўкитираслини учун тиши ортидан сишиб чиқолмаган фарёдлар бўлиши керак... Менга қолса бу кундан кейинги ҳаётларни умр дафтаридан ўтириб ташлаган бўлардим. Негаки, сунгандаги тоғи - ўзлонларидан айрилишга дош беролмадилар - руҳий дардга мубтало бўлиб қолган эдилар. Янаям инсон хўл бўларкан - чарслиб, гувиллаб, сунгандаги тоғи - ер билан ботинка кийган одамни кўрсатиб.

Даданглар бу. Ёнларидан тик тортган қиз - бу мен. Келинчаклик чигмидаги ташлаганимни ўтириб ташлаган бўлардилар. Биринчи жаҳон урушида қатишгандарни таҳрирларни ўтириб ташлаган бўлардилар. Ҳарбий машҳадан кейинги ташнифасида - дедилар. Иккичини бир суратни кўрсатиб ҳикоя киладилар: «Бу суратга 1922 йилда Боку шахрида тушганимиз, Аканг Аҳмаджон тугилган кезлар. Даданг у чоқлар Бухо-

йигирма бирга кирил-киримасликда ҳалок бўлган ўзбек фарзанди... Онагинам ишонган бояги, сунгандаги тоғи! Бояги кунпаяқун бўлган сунгандаги тоғи - ер билан яксон бўлган кимса яшай оладими?

Ёшмай ўти ёшидама етим қолганман. Ҳар бир суратни кўрсатиб ҳикоя киладилар. Ҳарбий машҳадан кейинги ташнифасида - дедилар. Иккичини бир суратни кўрсатиб ҳикоя киладилар: «Бу суратга 1922 йилда Боку шахрида тушганимиз, Аканг Аҳмаджон тугилган кезлар. Даданг у чоқлар Бухо-



Онаизорим Вазирахон-ни...
Онаизорим Вазирахон-ни...

Түрмуш ўртоғимнинг хизмати юзасидан туғылған кишлоғимиздан олисдаги бир тұманды яшай бошлаганимизга ҳам 8 йил бўлди. Ота-оналаримиздан хафасига хабар олиб туралмиз. Лекин негадир түрмуш ўртоғим ҳар гал кишлоққа борганимизда онамнинг ота-онаси, 90ни қоюлаган чол-кампирларни ҳам зиёрат қилишни кандо қилмайди. У момом ва бобом учун бор-йўғи набира кўёв бўлса ҳам, дам-бадам улардан хол сўраб туришидан фахр хисини тўйман, ўзимда.

Момом айвон бўсағасида бир кўлида бешик тебратиб, бир кўлида урчуғи билан ўтирган, ё бўлмаса, у ёки, бу набирасига тўён қавиётган, ишқилиб, доимо бирон юмуш билан банд бўлади. Бобомни эса қишин-ёзин томорқада меҳнат билан машигу ҳолда уртамиз.

Ҳар гал остоңа ҳатлаб киришимиз билан момом: "Хах, алланайина, қўш каштарларимдан-да, келдиларингми-я, илоим сизларни худойим ёмон кўздан асрасин-а, тиф-тиф", - деб кўядида, түрмуш ўртоғимга қараб:

"Яхшимисиз болам, танижонингсиз сомги, болаларнинг чопқиллаб юрибдиларми, ота-онангиз омоним?", - дейди юзини олиб қочиб. Кейин менга юзланни, суйиб-кучиб, елкамга оистагина на уриб: "Эсон-омонимсан болам, ўй-ичиларинг, қўни-қўшиларинг, кайона-кайнотанг, ота-онанг яхшими, бойгинанг яхшими?" - дейди. Мен куламан, - "Момо, бойим каршингизда турибди-ку, кўриб туриб яна сўрайсиз-а, нимага шундайсиз, момо?" - дейман жилмайиб.

- "Ҳай-ҳай болам ундай дема, ҳамманинг ўз яратигиги бўлади. Сендан ана шу яратигинг ҳакида сўрайман-да", - дейди момом.

"Ярашиғим" бобомни излай бошлидай. "Хо-хох, мен бу ёқдаман, келәберинг бойбова, болаларниям бу ёқка бошланг", - дейди бобом боғдан туриб. Болаларим хам шодон кийкириб бўқча қараб чопқиллашиди. Бобомнинг боғида ўзга бир дунёга кириб қолгандай хис киламан ўзимни. Олма, оғча, гилос, шафтоли, ўрик, нок, анжир, ёнғок, хурмо барчаси шу боғда мухайё. Бошка вилоятларга олиб бориб сотиш учун олиб-сотарлар мавсумда энг биринчи бобомга учрайдилар. Мева-чеваларнинг нархини биринчи



бобом билан келишиб оладилар. Негаки, кишлоқда бирон киши бобомнинг руҳасатисиз олиб сотарларга томорқасидан чиқкан маҳсулотларни сотмайди. Чунки, бобом дехқоннинг, ишлаганинг меҳнатини оёқ ости қилинисига

лос. Ўғилларим баъзан койиган бўлишади: «Кариган чоғингизда бўлди энди, тиннинг, мана биз бормиз», - дейишади. Менга эса уларнинг гаплари хуш келмайди. Меҳнат қилиб ўрганганимизда, жим тура олмаймиз. Момонгиз билан бир умр меҳнат қилиб келдик. Болаларни ҳам меҳнатга ўргатдик. Беш ўғил, иккى кизимнинг томорқасига

аввало ота-она масъуль эканини бобом ва момоннинг фарзандларига қараб яна бир бора амин бўламан.

- Қани бойбова, бошланг, - хали йигитлардай шахдам қадамли, юзлари офтобда корайран бўлсада нурли, чеҳраси очиқ бобом бизни сувлар сепилган, ораста ҳовлисига бошлидай. Ерга гилам тўшалган, кўрпача солинган,

ана мачит, ана мадраса, хоҳласак имкон топсан ана ҳажзинерати. Кўп раҳмат Президентимизга. Қандин урсин, миллат бошига бор бўлсин. Бобом билан момондан дуо олиб қайтар эканмиз, турмуш ўртоғимга қарайман. У кишидан ним табассумининг сабабини сўрайман. "Нега бобонг менинг «бойбова» дейдид?", - Мен гапга чечан эканлигимга қарамай, елка кисаман.

"Кайдам..." - "Эх, сен-а, шу-

ЎЗБЕКИГИМИЗ – ЎЗАИГИМИЗ



дастурхон ёзиглик. Дастурхонда эса, қанд-курсни кўя туринг, асал, ёрёнғок, олма, олча, узум, шафтоли, тарвуз, ковун, бир тоқоқда ҳозиргина кўй ёғидан ажратиб олиб, иситилган кўй гўшти ва чойнакка дамланган чойнинг устига сочиқ ёпиглик.

Дастурхон

устудиа бобом: "Омонатга хиётан қилманг, ўзингизни эр билсангиз, ўзгани шер билинг. Одамларга яхшилик қилишдан тўхтаман, яхшилик

қилишга имконингиз бўлмаса, яхши гапинизни илининг", - деб насиҳат қилаётуб, шеър ҳам ўқийдилар:

**Кимнинг одамларга
Фойдаси кўпdir,
Одамлар ичида шул
киши хўпdir...**

- Бойбова, хўл ажойиб за-монлар келди, худди менинг кўнглигидаги замон бўлди. Ота-боболарим, кўли гул-чор-вадор дехқон эдилар. Ҳай ат-тант-а, уларни "кулок", деб айблаб кун бермадилар. Ўтган даврда мўмин-мусулмон бўлуб, рўза тутиб номоз ўқиганларни "афъонкор" деб сазойди килдилар. Вафот этган ота-онанига жаноза ўқитомай сарсон бўлганларимиз ёдимда ҳали. Урфодатларимиз, диний тамойилларимиз "эскича сарқит" деб таъкидлаб қўйилган эди. Ҳозир-чи? Кўлимида куръон, дилимизда имон, хоҳласак

ниям билмадингми, «Сиз ҳам меҳнаткаш бўлинг, тиниб-тинчиман, мендек «бойбова бўлинг»га ишора эмасми бу?..»

"Унда менга "момо" деб мурожаат қилганларида: "Кўша қаринглар, биздек ували-жували бўлинглар", деган маъненинг назарда тутганикинлар-а?!" - Бу гапдан ҳар иккимиз хандон отиб куламиз. Хуллас, бобомнинг шинамгина ҳовлисисдан, ободгина кўчасидан, бобом етишириган гуллару, кўчатлардан гулзор бўлган маҳалласидан қайтар эканмиз, қалбимда фахр хиссини туйиб, «Кани эди, хамма боболар менинг бобомдек бўлганларида фарзандлар баҳти-тахти, набирадар аҳил ва аҳди, элу юрт янам фарон, обод бўлган бўлармиди», - деб ўйлаб кетаман.

**Райхона РАҲИМОВА
Сарисиё туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси**

Xурматли "Оила ва жамият" таҳририяти ходимлари! Сизларни мустақиллижимизнинг 12 йиллик тўйи билан чин юракдан табриклийман. Газетада чол этилаётган ҳар бир мақола билан мухлисларни бефарқ қолдирмайди. Кўпгина инсонларга сабоқ бўлиб, ҳаётга ишонч билан қарашга унайди. Бундан кейин ҳам севимли газетамиз ижодкорларининг иши янада равнақ топшишига тилакдошман. Олоҳодан сизларга биттас-туганмас баҳт-саодат, сиҳат-саломатлик тилайман, қаламингиз бунданда ўтқир бўлишини, қўлларингиз дард кўрмаслигини, юзларингиз ғамни, қўзларингиз намни кўрмаслигини тилаб қоламан.

Зулайҳо МУРОТОВА

Косон тумани
30-“Баҳор” МТ муассасаси мудириаси



"Оила ва жамият" таҳририяти ходимлари! Сизларни мустақиллижимиз байрами билан чин юракдан табриклийман. Оиласиз тотувлигига қўшаётган ҳиссаларингиз учун сизлардан чексиз миннатдормиз. Чол этилаётган ҳар бир мақоладан ўзимизга хуласа чиқариб оламиз. Ўзим Термиз гўшт-сум савдо акциядорлик жамиятида ҳисобчи бўлиб ишлайман. Рафиқам «Янги ариқ» ширкат хўжалигига лаборант. 4 та фарзандимиз бор. Уларни тўғри тарбиялашда "Оила ва жамият" газетасининг ҳам ҳиссалари борлигини алоҳида таъкидлаб қўйилган эди. Оила ва жамиятимиз тотувлигига қўшаётган ҳиссаларингиз учун барча мухлисларномидан ишларингизга ривож тилайман. Қўлларингиз дард сўрмасин, қаламингиз ҳеч қачон завол топмасин.

Мустафоқул ТОШБЕКОВ

Термиз шаҳри

Деразам ортидаги чинорнинг саргая бошлаган япрокларини томоша қилиб, кўнглим ажаб бир сокинликка тўлиб ўтирарканман хонамга кирган киши тақлифимни ҳам кутмасдан стулга ўтира қолди. Чарчагани билиниб турарди. Олис йўлдан келгандек эди, назаримда.

- Тахририятнингга бундан уч йил аввал келгандига. Ҳамма нарса ўшаша... ўзгармабди-ю, фақат мен ва тақдирим ўзгарибди, холос. Лекин, илк бор тахририята келганимда мен foғт баҳтиер эдим. Хотинимнинг тугилган кўнигига табрик олиб келгандим. Бугун эса... Мендан баҳтиаро киши йўқ. - деди у. Ислим Абдулла экан.

- Баҳтили киши нега бирданига бундай ахволга тушиши мумкин? - ҳамдардлик билан сўрадим.

- Машинам билан киракашлик қилиб юрадим. Бир куни тўйдан келаётib 14 ёшлардаги ўспиринни уриб юбордим. Мен машинадан тушиб унинг олдига борганимда бола ҳали тирик, хириллаб ётарди. Машинамга қайтиб шерикларимга уни касалхонага олиб бормоқчи эканлигини айтдим. Улар эса:

- Жиннимисан, сени тикиб кўшишади-ку. Ҳечким кўргани йўқ, тезроқ бу жойдан кетайлиг, дейиши. Очигини айтсан савол-жавоб, суд, милициядан жуда кўркардим. Уларнинг галига кириб машинага газни босдим. Юрагим фаш эди. Одам ваҳимага тушиб колса, ёш боладек ким нима деса шунга кулоқ соларкан. Кетаямизу кўз олдимдан қонга беланган бола кетмас, кўзларим ёшга тўларди. Бир кўнглим: "Ортингга қайт, боланинг жонини арабр қол", деса, бир кўнглим: "Энди оркага йўл йўк, ўзингнинг жонининг ўйлагин", дер эди. Лекин тўхтамасдим тухтай олмасдим.

- Ҳуллас, воқеа жойидан кетиб ўзи бордингиз, кейин...

- Шу куни уйга ўзим эмас, сувратим борди, десада адамшайман. Чунки, на овқат ўтади томогимдан, на кулогимга бир гап киради... Ҳудди карах одамга ўшайман. Ота-онанмнинг олдига жўнадим. Бораётib ўша воқеа рўй берган жойдан ўтдим. Тумонот одам. Оддий йўловчикдек, одамлар орасига кирдим. Маймал бўлишича бир бечора ота-онанинг ёлғизигина ўғлини уриб кетган эканман. Ҳамма одамлар айни ҳайдовчига тўнкарди. Агар ўз вақтида касал-

хонага етказиб борганимда тирик қоларкан. Шуларни ўшишиб жойимда котдим.

Онаамга бу гапларни айтуб ўйладим. Отам эса сукутга толди. Сунг ҳассасини дўйиллатиб чиқиб кетди. Қарасам отам хотинимни бошлаб келаяпти. Унга воқеани ётири билан тушуниди. Ва :

- Келин, энди рўзгорни зиммандага оласан, эринг эса ёртага мен билан милисаҳонага бориб айбига икор бўлади, - деди. Мен кўркув ву даҳшатдан қалтираб ўзимни отамнинг оёғи остига ташладим.

- Бормайман, отажон, мени ҳеч ким танимайди. Ҳеч ким билмайди-ку, нима қўлламан ўзимни тушиб бериди, - деда ялиндим. Отам эса: - Болам, мен бу ишни сенга ачинганимдан қиласиган, билдингизи? Агар бормасанг, бу гуноҳингдан эзлиб, яшашдан ҳам безасан. Окибат бу изтироблар сенинг савдои:

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

“Мухаббат ҳижрони билан гўзал”, - дейдилар. Ҳақ гап. Тахририята кириб келган Азима исмли киз ҳам ишқ дардига мубтало бўлган ошику бекарлардан экан.

- Мен учна-мунча йигитларга назар-писанд қўймайдиган, ўта мағрур қизман. Ўз шахсий машинам, нимани истасам мухайё кипидаган ота-онан бор. Дадам нуғузли бир ташкилот раҳбари. Атрофимда менга шуҳтор йигитлар талағина. Лекин Фарҳод исмли йигит менинг ўзига бутунлай мафтун этганини сезмай қолдим, дейди киз. - У мендан З ёш катта. Хушиғизни оладиган дараждаги чирошли ҳам эмас-у, лекин муоммасининг ширинлиги мени бутунлай ўзига мафтун этди-кўйди.

- Агар сир бўлмаса Фарҳод билан қандай танишган-сиз?

- “Оила ва жамият” газетаси орқали. Бир куни “Оила ва жамият” орқали баҳтларини топган иккни ёш ҳақидаги мақолани ўқиб қолдим-у, ўланини ўтириб таҳминан телефон рақамларини тера бошладим. Узокдан, “Алло, ўшитяпман”, деган ёқимли овоз кедди. Йигитнинг овозидан юрагим бир сесканди-у, ҳеч нарса демасдан гўшакни жойига кўйиб кўйдим. Эртасига ўзим билмagan ҳолда яна ўша номерни тердим. Негадир олисадиги

овоz соҳиби билан танишимаган келди. Ислим Фарҳод орқаси. Ҳуллас биз бир ҳафта телефон орқали гаплашиб юрдик. Нихоят бир куни учрашув жойини тайинладик. Айтилган манзилга келиб не кўз билан қарайди, Фарҳод акам узоқ қариндошимизнинг ўғли экан. Муносабатларимиз жиддий тоз олиб, мухаббатга айланди. Энди мен ҳаётимни усиз тасаввур қилолмай қолдим. Унинг

- Улар ўртасида бирор-бир муносабат борлигини сезганингиз?

- Мутглақо, ҳеч нарса сезмагандим. Фотиха тўйи куни Фарҳод акам ёнимга келиб ўзини роса оқлади. Гулнорага ўйланмаса бўймаслигини айтди. Унинг тўйини бир амаллаб ўтказдим. Энди ҳаётимга нуқта қўйсан керак, деб ўйлагандим. Афуски, жон ширин экан. Ўзини ўзи унтиб кўйган одам сингари телба-

кўрмоқчи, бўлиб кўнгилхушилик килиш учун учрашиб юрган-у, хато иш килиб кўйган. Гулнора бой-бадавлат оиласининг фарзанди. Онасининг кўрқитуви билан кизларига ўйланган. Кеч бўлса-да, унга этишиш учун нималар килмадим дейсиз. Бир шифохонадаги ҳамшира дугонам билан тил биритириб, ёғлондан ўзимни касалга солиб шифохонада бир неча кун ётиб чиқдим.

- Бундай йўл

МУҲАББАТ ҲИЖРОНИ БИЛАН ГЎЗАЛ

гап-сўзлари, оташин муҳаббат ҳақидаги мулоҳазалари менга олам-олам завуҳи шави багишларди. Кунлардан бир кун... ўша кунини эслаш мён учун накадар оғир эканлигини билсангиз эди...

- Нега бунчалар ҳаяжонга тушиб қолдингиз?

- Ўша куни мен билан гаплашиб ўтириб менинг исмимни айтиш ўрнига “Лули” деб юборди. “Вой, Гули ким?”, - деб сўрасам, гапни бошқа ёқка бурди. Орадан б ой ўтиб Гулнора исми кизга ўйланди олди.

намо бўлиб юравердим. Мана хозиргача учрашиб турармиш. Уни қалбимдан юлиб ташлай олмайман. Фикру, хаёлим унда. Фақат у ҳақдаги орзу-умидлар билан яшайман. Синфодш дуғонам Дилдора Фарҳод акамларига яхин жойда яшайди.. Дилдора менга у ҳақдаги хабарларни етказиб турарди. Хотинида кўнгли ўйларига, унинг бошликтарига учиб ўйланди, энди афусуланаётгани, мажбурият юза-сидаидан яшаштаги ҳақидаги хабарларни ўшишиб дилим ўтрапади. У Гулнорани синаб

тушишни нима мажбур қилди?

- Зарраҳ бўлса-да унинг қалбида ўзимга нисбатан меҳр-муҳаббат тўйгуларини ўйғотмоқчи эдим. Ниятимга етдим. Менинг касал эканими ўшишиб Фарҳод оғир шифохонага учиб келди. Ва мен ўз мақсадимга етдим. Севилим билан тўйиб-тўйиб сұхбатлашишга мусассар бўлдим. Бир дақиқа бўлса-да унинг дийдоридан баҳраманд бўлиш мён учун “ашаш” демакдир.

- Агар Фарҳод хотини билан ажрашиб сизга турмуш

- Лекин, бу тақдирингизда бор экан. Инсон ҳаммасига чидаши керак...

- Чидадим, чидаяпман. Мен бошига шунча ташвишлар тушган баҳтиқаро одамман. Яна оиласи бағрига қайтдим. Хозир ўша мен уриб кетган болани отонасининг олдига бориб турман. Улар менин кечириши. Ҳатто бир байрамда йўклаб ҳам келишиди.

- Ҳар ҳолда бу ерга келишдан мақсадингиз бу эмасдири?...

- Шундай. Айтмоқи бўлган гапим бошка эди. Лекин, баъриб сизга бошимдан ўтганларни айтиб бергим келди-да. Хозир бир ташкилотда ишлайман. Ҳар куни йўлдаман. Бироқ тез-тез мана шундай автоҳалокатларга гувоҳ бўлиб қоламан. Баъзилари эса менек номардлик қилиб кочиб кетган булладилар. Шундай ачиниб кетаман уларга

- Нима учун?

- Тўғри инсон жиноятни қилиб воқеа жойидан кочиб кетиши, бу жиноятини яшириб ҳам кетиши мумкин. Аммо, инсон ўзидан, вижидондан, кочиб кутула олмас экан. Мен ўз қилишимдан шундай хулоса чиқардим. Бу рост. Буни бошқалар ҳам билишини истайман. Фалокат оёқнинг остида, дейишиди. Ҳаётда инсон ўзи кутмаган воқеаларни бошидан кечирилар кечирилар экан-да...

Абдулла гапи унинг сўзларини албатта ёзиб олишимни айтдим.

Бу маколани ёзарканман ўйланиб қолдим. Наҳотки, ҳақиқатни тушуни учун жиноятни бўлмок керак... Абдулла-ку, отасининг таъзики билан йиллар давомидаги ўзини емириши мумкин бўлган вижидон азобидан ҳалос бўлибди. Шу ҳолга тушган бошка одамларни, ҳам мана шундай тарбиялайдиган ота-оналари бормикан? Ахир ҳар куни йўлдамиз. Кимдир ишга, кимдир ўқишига, болажонларимиз эса мактабга борадилар. Табиийки, катта, серқатнов йўллардан ҳаммамизнинг ўтишимиз бор. Ҳаммамиз жоимо шошган инсонларимиз. Биз баъзан эхтиёсизлик ҳам килишимиз мумкин. Аммо, серқатнов йўлда бизнис турли томонларга эзгувчи ҳайдовчиларимизга Оллоҳ инсоф берсин. Бемаҳал фалокат ҳеч кимнинг босишига ўтасига тушмасин. Эрталаб ризку-насиба излаб кўчага чиқкан юртдошларимизнинг ҳар бир оқшом сокомон оиласи бағрига, бола-чақалари даврасига кайтсин.

Басира САЙДАЛИЕВА

КЎНГИЛДАН ҚОЧИБ БУЛМАЙДИ



қилиб кўяди. Майли, мард бўл, айбингни бўйнингга олгинг-да вижидон азобидан ҳалос бўлглини, - деди. Отам бир сўзли киши эди.

- Мабодо сен бормасанг, мен бораман-да, ҳаммасини айтаман, деди. Ҳуллас, эрталаб оғир борларни айтиб бергим келди-да. Ҳозир бир ташкилотда ишлайман. Ҳар куни йўлдаман. Бироқ тез-тез мана шундай автоҳалокатларга гувоҳ бўлиб қоламан. Баъзилари эса менек номардлик қилиб кочиб кетган булладилар. Шундай ачиниб кетаман уларга

- Нима учун?

- Тўғри инсон жиноятни қилиб кетиши, бу жиноятини яшириб ҳам кетиши мумкин. Аммо, инсон ўзидан, вижидондан, кочиб кутула олмас экан. Мен ўз қилишимдан шундай хулоса чиқардим. Бу рост. Буни бошқалар ҳам билишини истайман. Фалокат оёқнинг остида, дейишиди. Ҳаётда инсон ўзи кутмаган воқеаларни бошидан кечирилар кечирилар экан-да...

Абдулла гапи унинг сўзларини албатта ёзиб олишимни айтдим.

Бу маколани ёзарканман ўйланиб қолдим. Наҳотки, ҳақиқатни тушуни учун жиноятни бўлмок керак... Абдулла-ку, отасининг таъзики билан йиллар давомидаги ўзини емириши мумкин бўлган вижидон азобидан ҳалос бўлибди. Шу ҳолга тушган бошка одамларни, ҳам мана шундай тарбиялайдиган ота-оналари бормикан? Ахир ҳар куни йўлдамиз. Кимдир ишга, кимдир ўқишига, болажонларимиз эса мактабга борадилар. Табиийки, катта, серқатнов йўллардан ҳаммамизнинг ўтишимиз бор. Ҳаммамиз жоимо шошган инсонларимиз. Биз баъзан эхтиёсизлик ҳам килишимиз мумкин. Аммо, серқатнов йўлда бизнис турли томонларга эзгувчи ҳайдовчиларимизга Оллоҳ инсоф берсин. Бемаҳал фалокат ҳеч кимнинг босишига ўтасига тушмасин. Эрталаб ризку-насиба излаб кўчага чиқкан юртдошларимизнинг ҳар бир оқшом сокомон оиласи бағрига, бола-чақалари даврасига кайтсин.

Басира САЙДАЛИЕВА

Куриши тақлиф этса унинг истагини бажо келтирасиз-ми?

- Йўқ. Ўзим азоб-укубатда яшиётганим етмаганидек, унинг хотинини ҳам баҳтсиз килишга ҳаққим йўқ. Ахир у аёлда нима гуноҳ. Аммо ичимдаги бир түйгу унга томон интила-веради. Нима килишини билди-колдим.

- Азима синглим, муҳаббат бамислини бир оташ-олов. Сиз унга томон қанча яқинлашиб бораверсангиз у шунчалар сизнинг жисмужонингизни кўйдириб кулга айлантиради. Иродангизни синдираверили. Сизиз ўз йўлига бўйсундириб олади. Сиз қанчалар ундан узоқлашиб борсангиз у шунчалар сиз томон яқинлашишга ошиқади. Сиз учун муҳаббат сирли ва гўзал қўрина-ди. Инсон севгисиз, муҳаббатсилик яшиши мумкин, аммо ҳаётни МЕХРисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қалбинингиздаги энг гўзал тўйғуларигизни, меҳрингизни сизни багт останасида интиқ кутиб турган ўзга бир йигитга тухфада. Менинчча Фарҳоднинг оиласини бузмаганинг мъақул. Шунда сизнинг қизлиқ қадримматингиз баланд, қалбининг обод бўлади.

Нигора ЙУЛДОШЕВА

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР!

Хурматли онажонимиз!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан муборак бод этамиз. Бахтимизга узок, умр кўриб, сог са шодон бўлиб юришингизни Аллоҳдан сўраймиз.

Фарзандларнинг ва келинларнингиз



Севимли набирам НУРЗОДЖОН!

Сени 3 сентябр куни 10 ёшга тўлишинг билан табрикламан. Мерхимиз билан ўзиб улғайгин. Умринг шодлика тўслин.

Бобонг Тўйбой, бибинг Муҳаррам Бухоро вилояти, Шоғиркон тумани

Онахоним Мунира РУСТАМОВА!

Сизни Мустақиллик байрами билан табриклайман. Онахон! Чакнок, кўзингиз асло нам бўлмасин. Нур тарафган юзингиздан кулгу аримасин. Бахтимизга соғ бўлинг. Уйимизнинг тўрида бўлинг.

Кизингиз Маствура

Акмал Икромов тумани



Эркотайимиз БОҒДОДБЕК!
Сени тугилган кунинг билан табриклайман. Бахт, соғлиқ ва омад тилайман.

Онанг, аканг
Ўртачирчик тумани
Ўртасарой тумани



Жаҳҳо жигнисиз
Курбонова Мукаррам ЯҲШИМУРОД кизи!
Бегубор 1 ёшга тўлишинг билан табриклийиз. Келгусида бахти, саодатли, ризку-насибали ва оқила киз бўлиб улғайгин.

Хурматли Рустамов Аброрбек

КАРИМОВИЧ!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан табриклайман. Бахтимизга доимо соғ бўлинг. Йўлингиз доимо бехатар бўлсин.

Маствура

ҚАЙДА АЗИЗ ОТА-ОНАМИЗ?

Хотира-муқаддас

Отажон, онахон... Нечага ийлардик баҳорни сизсиз кутиб оламиз. Инсон умри жуда қиска экан. Ўтайдан лаҳзалар тошқин дарёдек оқиб кетавераркан. Сизларисиз шу йиллар канчалик фамгин, хувиллаб ўтди, бўшлика айланган қалбимизни ҳеч нарса тўлдира олмади.

Онахон, атрофдаги ҳар бир аёлдан сизнинг мунис чехрангизни, нуроний отаҳонлардан отамизнинг чехрасини излаймиз.

Турли аёлларда, байрамларда ота-оналарини кўргани бораётган ўғил-қизларни курсак юркаларимизда армонларимиз кезг ўшимизга айланади.

Бир меҳрибон, доно эдингизки, булар энди хотира бўлиб колди.

Энди тушларимизда кўрсан ҳам шу куни биздан баҳти инсон ўйдек... Эсимизда: "Болаларим, умр окар дарё, кўз очиб юмгунинг ўтиб кетади", - деганингизда, кўзимизни очиб юмиб, "Кани, умр ўтмади-ку?", деб кулардик.

Болалик қилиб буни кулгига ўйган

еканимизу, лекин бу жуда катта сабок эканлигини билмаган эканимиз. Бугун эса сиздаги меҳни, сиздаги фамхўрликин ҳеч кимдан топа олмапмиз.

Инсоннинг ота-онаси вафот этгандан, уларни ерга эмас, юрагининг туб-тубига кўмар экан. Юрагизим сизларнинг номинингиз, сизлар берган меҳр ила уради. Берган тарбиянгиз, сабонингиз ила ҳётда кокилмай, бекам оиласларнинг бекалари бўлиб юрибиз. Сизларни Оллоҳум раҳматига олган бўлсин. Жойингиз жаннатда бўлсин.

Үтиб кетаётган умримиз,
Кани энди ортга қайтсайди...
Дардимизни бизларни сўйган,
Ота-онамига айтсайдик...
Ота билан онадан кейин,
Бефайз экан ҳаттоқи жаҳон.
Кўрмок қайда, дилда оҳимиз,
Қайда азиз ота-онамиз!

Кизларнинг Дилюромхон, Клараҳон АКБАРЖОН қизлари

Яхшилардан сўз очдик

оғриб, кўл-оёкларим шишиб кетди. Ҳалқ табобати бўлимида даволандим. Шифокор Боййўз Бердиёвнинг меҳнати зое кетмади. Аста-секи соглигим яхши бўлди. Яна ҳаётим изга тушиб кетди. Менинг тезда соғайиб кетишум учун Худойберди Жалилов, Баҳтиёр Худоёров, Болта Даминов, Фарҳиддин Бобоев, Соҳиб Муртазов, Илёс Танибердиевлар жон кўйдириши.

Шифоконе бош шифокори Каҳрамон Сайдов гўё ўтамдек меҳр кўрсатди. Ҳар куни ҳол-ахвол сўраб, соглигим ёмонашган пайтларда бошимда турди.

Ионсон сог-омонник бебаҳо бойлик эканини ўзи хасталангач чин юракдан ҳис этаркан. Мен шифокорларимга Аллоҳдан соглигик, омонлик тилайман. Уларнинг меҳрибонларни хотирамда бир умр муҳрланиб қолади.

София НАЗАРОВА

Самарқанд вилояти
Нарпай тумани
Зарафшон ш./х. б/р № 8 ин: 704129

Кўшини туманга қатнаб ишлардилар. Юрагим тақа-пук бўлиб у кишини излаб бордим. Нима бўлгандайм хўқиқи олишимиз кераклигини тушунтиридим. Хўқизини бир хафта уйимизда асрар, сўйиб кўни-кўшиларга, кам таъминланган оиласларга худо йўлига тарқатдик. Кўп ўтмай турмуш ўртогим бетоб бўлиб ётиб кольдилар. Ва минг шукрки, соғайиб ҳам кетдилар. Яна кўп ўтмай ўз машинасида автоҳалолаттага учради. Энг қизиги шундаки машинамизга кўп зиён етган бўлсанда, турмуш ўртогимнинг бирор жойи тираналмаган эди. Шунда мен хайр-эҳсонни чиқарган Яратганга беадад шукрлар айтдим.

РАЙХОНА

Сариосиё тумани

ЭЪЛОНЛАР!

“Madina Begim”

ЎҚУВ МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ТАКИФ ЭТАДИ:

1. Сартарошлик - 3 ой (стрижка, укладка, химия, мелирования, тўй, оқсон гуллари). 2. Сартарошлик - 1 ой (тўй оқсон гуллари). 3. Маникор - педикюр бадни (тироң устига гул тушуриш), 4. Косметолог - визажист - 1 ой (тўй оқсон макияни, маскалар тайёрлаш), 5. Қандолатчилик - 2 ой (торт, печенье, слатлар), 6. Қўнда тўйиш - 3 ой, 7. Ўз ҳамшираси - 3 ой, 8. Массаж - 3 ой, 9. Парда - пакривал тикиш ва дизайн (элита усулида 2 ой), 10. Компьютер - 2 ой.

Ҳамма курслар тоифадаги мутахассислар томонидан амалийт билан олиб борилади. Ўқишни битирганинг диплом берилади.

Манзиз: 1. Ҳадда меҳмонхонаси 5 эт. 510 хона

Тел: 144-28-11, 45-95-48

Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 эт. Бино

2. Кора-камиш даҳаси 242-мактаб ичди. Мўлжал: Тансикбоев бозори ёндида



Ўқув муддати 3 ойлик курслар

- Бичиш-тиқиши (буюртма аҳолидан олади)
- "Элита" усулини пардадар, чойшабар ҳам тикиши (буюртма аҳолидан олади) - Бисерлардадан фойдаланиши тикиши (буюртма аҳолидан олади) - Башлангич компьютер билимлари (Windows 2000) - Олии, дарважада торт ва салатлар тайёрлаш (амалийт билан)
- Массаж (амалийт билан) - Сартарошлик (амалийт билан) - Косметология (амалийт билан) - Маникор (амалийт билан) - Маникор (амалийт билан)

Ўқида зинати" Маркази кошидаги курсларни битирган ўқувчиларга маҳсус сертификат берилади.

Манзиз: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмекчиси. Ўқитувчilar малака ошириш институти жойлашган бино 2 кават 202 хона. Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ

«МОҲИР ҚУЛЛАР»

Куидаги пуллик курсларга ҳабул эълон қилилади:

- Моделчи-технолог (бичиш-тиқиши курслари) - 2; 4 ойлик; - Эрэклатар кийими - 2 ойлик; - Аёллар костюми, палтоси, плаши - 3 ойлик; - Дарпарда, парда, чош, ёстик, дастурхонлар - 1,5; 3 ойлик. Диккат - Янги курс: Тўй ва оқсон либослари-2 ойлик (20-25хандаги ЭЛИТА усулида). Ўз ҳамшираси массаж билан - 2 ойлик. Мунҷочлар билан безаклар, қаштлар тикиши - 2 ой.

Битирганинг диплом берилади.

Баҳул ҳан куни (якшабандан ташиши) соат 10дан 14 гача.

Манзилимиз: Пушнин кўчаси, 7-йўл - 3-бизнес мактаби, 4-кават, 524-хона. Мўлжал метронин: "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda". Ўқувчilar учун имтиёз бер Тел: 133-73-97, 76-66-33, 162-49-85



«ЎҚТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1. Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширлик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалийт машагулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой.Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яна тартибида, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалийт билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалийт билан. 6. Торт ва турли пиширилар - 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшабарлар. Элита усулида замонавий тикиши - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эрэклатар учун) - 2 ой. Қаштлар тикиши - 2 ой.

Ўқишида туттагланларга диплом берилади. Ўқиши қабул ҳар куни.

Манзилимиз: Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. «Ўқтамхон» ўқув маркази филиали Кибрай тумани, Ўнқўргон махалласидаги 30-ўрта мактаб биноси ичиди.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ФОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОГРИГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ўғил ва КИЗ болаларни БАТАМОМ даволайди.

Бурик, ковук, простата бези касалликларни аниқлайди ва ДАВОЛАДИ. Қабул вақти чоршанба, пайшанба, якшана кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзиз: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-йўл. "Чорсу" шоҳбекатидан 464, 469, 522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 47-86-83. Лицензия рақами 3271

Професор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак ҳасталикларни, касалманд, нимон ҳолаларни маҳсус усулларда даволайди. Брохионаста ҳасталигидан горномал дорилар кўлланмайди. Аллергик қасалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни кўйиб синалади. Иш вақти соат 8дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар - 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай - 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

Юнусобод туман, Кулол-Қўргон маҳалласида барча қулайликка эга 12-сотихи 6 хонали, нонвойхона, парник, канализация, молхона, ҳамда телефони бор участка сотилида.

Тел : 125-95-81. Шомирзаева Ҳаётжон

Алюминидан роли ва эшиклар йигадиган усталар керак. Тел : 40-20-35(уй), Тел: 170-73-91(иш)

Беш кунликнинг биринчи яримда ҳаво бирор бўлтуларни бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Беш кунликнинг иккинчи яримда ҳаво ўзгариб туради. Тоғ ва тоғ олди тумларида вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан секиндига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳавонинг ҳарорати кечаси 17°-22°, кундузи 29-30 августанда кундузи 33°-38°, 31 август 1 сентябр кунларда 30°-35° иссиқ бўлади.

Республикамизнинг чўл жануб ва чўл ҳудудларида кечаси 19°-24°, кундузи 35°-40° иссиқ бўлиши кутилмоқда.



ДУШАНБА 1



**ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

Ўзбекистон Республикаси Мустакилиги кунига башланган узлускни теледастурини сабаби. Байрамнинг муборак азиз юртдошлар!

«Ўзбекистон» телеканалини сиз муттаралом томошибинарни ўзбекистон Республикаси Мустакилигининг 12 йиллигига бағишлал таъриланган ранг-баранг ишларни таъсирлайди.

Мустакилигинин таъсирлари таъсирларни таълиф этди.

Кадрли томошибинар Сиз шу куни «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тахлилнома» дастурларини байран сонячини юртдошларимиз хамда ёрхижин мөхончанини байран таъбирилар. Мустакилигинин таъсирлари таъсирларни таъсирлайди.

Мустакилигинин таъсирлари таъсирлайди.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.40 Энг азиз, энг муддадас байрам!

7.00 «Мунаввар тонг». Информацияндан да олини таъсирлайди.

9.00 «Давр» хафта ичидаги.

9.35 ТВ - анонс.

10.15 Чемпион сирлари.

10.35 «Шарқ тароналари»

фестивалининг тантаналари очишлини (ёзигин олинган)

11.55 Энг азиз, энг муддадас байрам!

12.00 Маслаҳат.

13.10 Ёшлар овози.

13.30 Ёшлар овалси.

14.00 «Остона». Телевизион бадий фильм 4-кисм.

14.20 «Янги авлод» студияси.

14.45 «Биринчи йўнгирор», «Янги авлод» почтаси.

14.55 ТВ - анонс.

15.00 Давр. Максус.

15.15 «Остона». Телевизион бадий фильм 4-кисм.

15.30 Йондада плос.

16.10 Йондада плос.

16.20 «Алломииш». Бадий фильм 1-кисм.

17.35 Энг азиз, энг муддадас байрам!

17.40 «Алломииш». Бадий фильм 2-кисм.

18.55 «Никол-2003» мукофотларининг топсанлиги маросимидан ёзиб олинган мусийки дастур.

20.45 «Заковат» интеллектуални.

22.00 Давр.

22.30 ТВ - анонс.

22.55 Юлдуз Усмонова кўйи.

23.05 «Салом, шодлик, салом, гам!» Бадий фильм.

2.00 — 2.05 Йондада түн.

2.05 Ёшлар овалси.

2.10 Ёшлар овалси.

2.15 Ёшлар овалси.

2.20 Ёшлар овалси.

2.25 Ёшлар овалси.

2.30 Ёшлар овалси.

2.35 Ёшлар овалси.

2.40 Ёшлар овалси.

2.45 Ёшлар овалси.

2.50 Ёшлар овалси.

2.55 Ёшлар овалси.

2.58 Ёшлар овалси.

2.59 Ёшлар овалси.

ЧОРШАНБА 3

YUNUS

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.00 "Ассалом, ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 - 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шархи.
9.00 "Кўнгилар хакида хикоялар".
9.50 Мусики танахфуз.
10.00-12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛКИЛAR.
10.05 "Таифилот".
10.20 "Шоғонлар бола".
Бадий фильм.
11.30 "Олтин бешик".
11.50-13.50 ТВ клип.
12.05 "Ифтиҳор".
12.25-15.00, 16.25 ТВ анонс.

12.30 "Мехрибон тулки".
Мультифильм.
12.50 "Довонлар оша".
13.10 "Ўзбекистон Ватанин манини".
13.30 "Истилолчи".
14.10 Кўнгил сенси: "Инданба".
Телесериал.
15.05 Кўйла, ёшлигим".
15.25 "Ягона оиласда".
15.55 "Камила".
Телесериал.
"Болалар сайдераси":
16.30 1. "Туғилган кун".
Теленовелла.
2. "Кизиқлари учрашувлар".
3. "Покхонтаас".
Мульти сериал.
18.10 "Калбга якин кўшилар".
18.30 "Умид".
Телепотер.
18.55 Репортаж.
19.05 "Ажаб саодат арзур".
19.25-19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (русилида).
20.00 Оқшом артаклари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
21.05 Санъат усталининг концерти.
21.25 "Камила". Сериал.
21.55 ТВ клип.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор".
"Машъъъ".
22.55 "Ахборот-дайжест".
23.15 "Емирг одами".
Бадий фильм. 1-кисм.
22.40 ТВ анонс.
00.15-00.20 Ватан тимсолари.

ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.20 Тонги сериал: "Дарбадарлик". Бадий фильм 1-кисм.
10.05 ТВ - адваток.
10.10 "Янги авлод" студияси: "Томир", "Дунё ба болалар".
10.50 "Дар - интервью.
11.05 Ешар овози.
11.25 "Гадалупе". Телесериал.
11.30 Кўнгил танланган танланган эблиши (эблолинган).
15.55 ТВ - анонс.
15.20 Ёшлар телеканалида спорт дастури; 1 Нокутай 2 Тенис.
16.20 Кишлоддаги тенгиджим.
16.40 Сув - хёт манбай.
16.50 Фазал соргини.
17.10 "Евроньюс" янгиликларни.
17.25 "Хазил кетидан хазил".
18.00 "Ишон ва мухаббат замни". Сериал.
18.55 "Динбарлар, жигарандар". Сериал.
19.35 "Хинда оҳанлари".
20.00 "Время".
20.30 "Икки тақдир". Сериал.
21.40 "Мерлин Монро. Головудж, фожиаси".
22.30 "Бизнес ревю".
22.35 "Ахборот".
23.10 "Бешдан тўкизгизача".
Бадий фильм.
00.50 "Туннинг осуда бўлсин!"

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТДа сериал: "Акдан озирадиган ўйинлар".
17.50 Хориж хабарлари (рус).
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.20, 20.20, 21.45, 21.40 "Пойтакт". Ахборот дастури.
18.45 "Табриклиймиз-кулаймиз".
